

# Қуръони Карим дарслари (100-дарс). Аллоҳ таборака ва таолонинг муташобих сифатлари



13:00 / 25.08.2020 3642

Муташобих сифатлар деганда, Аллоҳ таолони сифатлаб келган, аммо сиртдан қараганда, У Зот таолога нисбат бериб бўлмайдиган оятларнинг маъноси кўзда тутилади. Муташобих сифатлар мавзуси энг нозик масалалардан бўлиб, уларни таъвил қилишда муҳкамга мурожаат қилиш ва зоҳирий (луғавий) маъноларидан бошқа томонга буриш вожибдир.

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби ақийдага оид нарсаларни муҳкам оятлардан ва ўта ишончли ақлий далиллардан олинишига иттифоқ қилганлар. Шунингдек, оят ва ҳадисларда сиртидан муҳкам оятлар ва ўта ишончли ақлий далиллар тўғри деб топган ақийдага хилоф нарса келса, уларнинг зоҳирий маъноси Аллоҳ таолонинг ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муроди эмас, деб эътиқод қилиш вожиблигига иттифоқ қилинган.

Ушбу мавзу Аллоҳнинг тавҳидига, У Зотни поклаш вожиблигига ва мусулмон банданинг ақийдасига ҳамда иймонининг тўғрилигига бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам энг нозик мавзу ҳисобланган. Айнан шу сабабдан бу мавзу исломий мазҳаблар ва гуруҳлар орасидаги энг кўп тортишувлар ва ихтилофларга сабаб бўлган. Минг афсуслар бўлсинки, кўпгина гуруҳлар бу мавзуда адашиб, сифатлар ҳақидаги оятларнинг сиртқи маъносини олиб, Аллоҳ таолони У Зотга лойиқ бўлмаган жисм ва бошқа нарсалар билан сифатлаб, залолатга юз тутдилар. Ёки уларни ботил таъвил қилиб,

йўлдан адашдилар.

Имом Фахриддин Розий бу ҳақда ўз тафсирида қуйидагиларни ёзади:

«Одамларнинг жумҳури наздида давом этиб келаётган қонун шулки, гўёки уларнинг мазҳабига тўғри келган ҳар бир оят муҳкамдир. Уларга хилоф бўлган ҳар бир оят муташобихдир. Аммо муҳаққиқ ва инсофли кишининг наздида оятлар уч қисмдан иборатдир:

1. Зоҳири ақлий далиллар билан таъкидланган нарса ҳақиқий муҳкамдир.
2. Зоҳирини таъкидлаш имкони йўқлигига қатъий далиллар собит бўлган нарса ҳақида бу ерда Аллоҳнинг муродини билиб бўлмайди, деб ҳукм қилинади.
3. Ушбу далилларнинг собит бўлишига ёки бўлмаслигига далолат қилмаган нарсалар ҳақида ҳукм чиқаришдан тўхташ керак бўлади. Ана ўша нарса муташобихдир. Яъни иши шубҳали бўлиб, икки тарафдан бирини аниқлаб бўлмайдиган ҳолда бўлади.

Мана шу тўғри йўлдир. Айти шундай фикрлаш ила мўътадил кўзқараш вужудга келади. Ана шунга аввал ўтган ва кейин келган мусулмон уламолар жумҳури рози бўлганлар».

**«Қуръон илмлари» китобидан**